



## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ "САБЪАИ САЙЁР" ДОСТОНИ ТИЛИДАГИ ФЕЪЛЛАР СИНОНИМИЯСИ

Мусурмонова Барчиной

ҚарДУ 70230101-Лингвистика

(Ўзбек тили) мутахассислиги магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7436517>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 13<sup>th</sup> December 2022

Online: 14<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

Алишер Навоий, *Сабъаи сайёр*, синонимлар, синонимик қатор, феъл синонимлар, ҳаракат феъллари синонимияси, фразиологик синонимлар.

Бизга маълумки, феъл англатган маънолар бир қатор мазмуний гуруҳларга ажратилади, бунда ҳаракатга хос яратиш, бузиш, ўзгартириш, сўзлаш, психологик, иқтисодий, тафаккур билан боғлиқ жиҳатлар эътиборга олинади [3:60]. Ўзбек тилида нутқ феъллари, ҳаракат феъллари, ҳолат феъллари юзасидан махсус тадқиқот ишлари бажарилган[1,2,4,5,7,8].

Тилшуносларимизнинг эътирофи этишларича, феъллар бир тилдан бошқа тилга жуда кам ўзлашади. Маълум даражада феълнинг бир хил сифатидаги миқдори шу тилнинг сўз бойлиги даражасини белгиласа, ҳар бир бирликнинг кўп маънолилиги шу тилнинг ифода усули кучини ҳам кўрсатади.

Алишер Навоий эски ўзбек, эски форс-тожик адабий ва халқ тилларининг сўз бойлигини мукамал

### ABSTRACT

Мақолада Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достони тилида қўлланилган айрим феъл синонимлар хусусида фикр юритилган. Шу асосда буюк шоирнинг сўз қўллаш маҳорати баҳо берилган.

билган ижодкордир. Мана шу катта бойликдан ўз поэтик ижодида керакли ўринларда самарали фойдала олган. Айниқса, ҳаракатни ифодаловчи феъл синонимлардан унумли фойдаланиб, такрор сўз қўллашдан ўзини чеклаган. Масалан, "Сабъаи сайёр" достони тилида *йиғоч урмоқ, таёқламоқ* феъллар қўлланган бўлиб, бу феъл лексемалар ўзаро синонимик муносабатдадир: *Қилмади истимў золими хас: "Йиғоч урмоқни, деди - қилманг бас".* (СС, 225) // *Барги гулдек танин топиб яланғач, Ики золим урарлар эрди йиғач.* (СС, 225) // *Деди золимки: "Бас қилинг, урманг, Букун они таёқлаб ўлтурманг".* (СС, 226)

Ўзбек тилида *бормоқ* феълнинг етакчи маъноси: "Сўзловчининг турган жойидан узоқлашмоқ, нари кетмоқ; бирор жой (манзил)дан иккинчи жой (манзил) томон ҳаракат қилмоқ, йўл олмоқ; наридаги бирор манзилга етмоқ"[9: 316]. Достон тилида бу феъл



айнан шу маънода қўлланган: *Уйига борди ул қаронғу кеча, // Ким қаро кўрди ўйлаким бу кеча. (СС, 233)*. Алишер Навоийн дostonда ушбу лексема ифодалаган маънони яна қуйидаги луғавий бирликлар орқали берганини кўрамиз: *хиром этмоқ - хиром айламоқ - (даргоҳига) юз қўймоқ; Кийибон даргаҳига қўйсам юз, Айтсам бу фасона равшану туз.*

*Ёзмоқ, битмоқ* лексемалари тилимизда қоғоз ёки бошқа материал юзига бирор белги (ҳарф, рақам ва ш.к.) туширмоқ маъносини ифодалайди[]: *Кўп қилиб фикр топти раъйи савоб, Ўқуған номага битиди жавоб. (СС, 252) Ўқуғач ул сурук асири фироқ, Қилганин ёзмиш эрди боштин-оёқ. (СС,170)*

Шоир “Сабъаи сайёр” дostonида юқорида келтирилган лексеманинг бошқа вариантларини қўллаб, поэтик таъсирсанчанликка эришганини кўрамиз. *Рақам қилмоқ, рақам чекмак, рақам тартмоқ* феъллари *ёзмоқ* феъли англатган маъноларни ифодалай олади: *Ёраб, ушбу ҳадиси печо-печ, Ки рақам тарттим тариқмай ҳеч. (СС, 352) // Неки ёздинг ани рақам қилдим, Шак эмасдурки, саҳв ҳам қилдим. (СС, 352) // Ростқа лутфдин рақам чеккил, Саҳвума афв ила қалам чеккил. (СС, 352)*

Демак, юқорида келтирилган фикрлардан *ёзмоқ (язмақ), битмоқ, рақам қилмоқ, рақам чекмак, рақам тартмақ* лексик бирликлари ифодалаган маъно умумийликка эга бўлиб, синонимик қаторни ҳосил этган.

Шунингдек, Алишер Навоий бошқа асарлари тилида *ёзмоқ, ёздирмоқ* маъносини ифодалаш учун *имло, имло қилмақ, мастур//мастур бўлмақ//мастур айламак* лексемаларидан ҳам кенг

фойдаланганини кузатиш мумкин[11:101,159].

*Ичмоқ, ютмоқ, нўш қилмоқ, сипқармоқ* лексик бирликлари ейиш-ичиш маъносига алоқадор феъллар таркибига мансуб бўлиб, *суюқликни хўплаб ёки шимириб ичга ютмоқ, тановул қилмоқ* маъносига эга. Навоий бирор-бир суюқликни ичиш ҳаракатини кўрсатувчи *ичмоқ* феълнинг *сипқармоқ, тамшимоқ* каби синонимларини “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида келтиради[14:74]. “Сабъаи сайёр” дostonида эса бу маъно *ютмоқ, нўш қилмоқ* синонимлари билан ҳам ифодаланган: *Фаррухи нотавон неча кун эди, Ки не сув ичти, не таом еди. (СС, 135) // ... жoми зумуррад фoм ичинда зулоли ҳаёт нўш қилгани. (СС, 175) // Маҳвашлар била қилиб май нўш, Тутқай ўз маҳваши била оғуш. (СС, 321) // Хoжа ҳуд андоқ ўзидин барди, Ки олиб беҳудона сипқарди. (СС, 275) // Ки бир-ики дам ул судин ютқай, Кизб ила ёва таркини тутқай. (СС, 271)*

Юқорида келтирилган *сипқармоқ* феъли ўзбек адабий тилида *сипқирмоқ* шаклига эга бўлиб, *бир тортишда ичмоқ, таг-туғигача симирмоқ* маъносини ифодалайди[10:519].

*Ютмоқ* сўзи бўғиз мускуллари қўмагида оғиздаги бирор нарсани томоқдан ўтказмоқ; *ичмоқ, емоқ* маъносига эга бўлганлиги учун юқорида келтирилган синонимик қатордан ўрин олган. Асар тилида *ютмоқ* лексемаси *йўқ қилмоқ, маҳв қилмоқ* маъноларини ифодалашда ҳам қўлланган: *Токи ютмоқ ишорини тутти, Юта алғанча халқни ютти. (СС, 326) // Қилди Жобир анинг сори оҳанг Ул сифатким болиғ ютарга наҳанг. (СС, 247)*



*Ичмоқ - ютмоқ - нўш қилмоқ - сипқармоқ* синонимик қаторидаги феъллар бирлаштирувчи ва фарқловчи семаларга ҳам эга. Маълумки, парадигматик нуқтаи назардан, феъл инвариант маъносига кўра тасниф қилинади. Бунга мувофиқ, ҳаракат (фаолият), ҳолат, хусусият, муносабат феълларига ажратилади. Шулардан бири фаолият феъллари бўлиб, унинг микромайдонларидан бири кўриш гидроки билан боғлиқ феъллардир.

“Сабъаи сайёр” достони тилида кўриш гидроки билан боғлиқ *боқмоқ, назар қилмоқ, назар солмоқ, кўз солмоқ, кўз тушмоқ* каби синоним феъллар қўлланганини кўрамиз: *Жаннат ичра ўзин кўруб меҳмон, Ҳар тараф боқса хур ила ғилмон.* (СС, 214) // *Ким чиқиб бир битик шажар узра Кўз солиб баҳра мавжвар узра.* (СС, 240)

*Боқмоқ* феъли тилимизда *назар ташламоқ, назар солмоқ, қарамоқ* маъносини ифодалайди[9:348]. *Назар қилмоқ, назар солмоқ* феъллари таркибидаги *назар* сўзи арабча бўлиб, *кўз қараш, нигоҳ* маъносини билдиради. Шунингдек, *кўз солмоқ* лексик бирлиги таркибидаги *кўз* сўзи *назар, нигоҳ, қараш* маъносига эгадир.

Юқорида келтирилган сўзлар изоҳидан маълум бўладикки, *боқмоқ, назар солмоқ, назар қилмоқ, кўз солмоқ* лексемалари ўзаро синонимик қаторни ташкил этади.

Асар тилида қараш маъносига эга бўлган *кўз тикмоқ* лексемаси ҳам қўлланган: *Кўпубон чун кўриштилари маҳжуб, Турубон ерга тикти кўз ҳар хуб.* (СС, 335) Кўриш гидроки билан боғлиқ феълларнинг семаларига кўра ўхшашлик ҳамда фарқланувчи хусусиятлар ҳам мавжуд. У билан

боғлиқ *кўзига кўринмоқ* луғавий бирлиги *кўз олдида намаён бўлмоқ* маъносини билдириб, *кўзига учрамоқ* луғавий бирлиги билан синонимик қаторни ташкил этади: *Ки, кўринди кўзига бир маҳлил, Ноқаси шаҳр сори мустаъжит.* (СС, 129) // *Кўзига кема учраса ногаҳ, Ани филҳол этар эди огаҳ.*(240) // *Кўзига учрагай дилороми, Ҳосил ўлғай висолидин коми.*(СС, 128)

*Эшитмоқ - қулоқ тутмоқ - гўша тутмоқ* лексемалари мазмуний жиҳатдан эшитиш феъллари сирасига киради. Ушбу лексемалар товушни эшитиш органи орқали қабул қилмоқ маъносини ифодалаб, синонимик қаторни ҳосил этади: *Чун эшиттим бу нукта шод ўлдум, Баҳрдек муҳташам ниҳод ўлдум.* (СС, 347) // *Мутаҳаййир бўлуб улус бори, Ҳар бири гўша тутти бир сори.* (СС, 104) // *Базм тартиб этиб аёқ тутти, Ота айтиб ани қулоқ тутти.* (СС, 293)

Юқорида келтирилган мисоллардаги *гўша тутмоқ* феъли таркибидаги *гўш* форс-тожикча бўлиб, *қулоқ тутмоқ* лексик бирлиги билан бир вариантни ҳосил этган. *Қулогига етмоқ* лексик бирлиги *билмоқ, хабар топмоқ; хабардор бўлмоқ, бошқаларнинг гап-сўзларидан билиб олмоқ* маъноларини билдиради: *Етса ҳар кимсанинг қулоғига бу, Йиқилиб элтибон ани уйқу.* (СС, 292).

Алишер Навоий бошқа асарлари тилида эшитиш, тинглаш маъносини ифодалаш учун *истимў, исмо, исмо қилмақ*[11:114,115] лексик бирликларини ҳам қўллаган.

Руҳий ҳолат феъллари таркибига *қулмоқ, йиғламоқ, қувонмоқ, севинмоқ, ўксинмоқ* каби лексемалар мансуб бўлиб, улардан *йиғламоқ* феъли *кўз ёш*



тўкмоқ (ғам, алам, оғриқ ва ш.к. сабабли) маъносини билдиради: *Кўйди туфроққаю ниёз била, Шамъдек йиғлади гудоз била.* (СС, 128)

“Ўзбек адабий тили тарихи” қўлланмасида Алишер Навоий асарларида *йиғламақ* сўзининг *йигламсинмақ, бохсамақ, инграмақ, синграмақ, сиқтамақ, ўкирмақ, униқирмақ, ҳай-ҳай йиғламақ* каби синонимлари самарали қўллангани таъкидланган [6:75]. Буюк ижодкорнинг ўзи бу хусусда “Муҳокамат ул-луғатайн”да маълумот келтирган. Кузатишлардан яна маълум бўладики, Алишер Навоий асарда руҳий ҳолатни ифодаловчи *йиғламақ* лексемасининг *ашк сочмоқ, ёш тўкмоқ, ёш тўкиб кўздин, ашк гавҳарин сочмоқ, ики кўзидин ики руд оқизмоқ* синонимларидан ҳам ўринли фойдаланган: *Изига ашк гавҳарин сочтим, Сўнгра «Жомоспнома»ни топтим.* (СС, 189) // *Чун келиб ўзга ёш тўкиб кўздан, Йитсилиб борур эдилар ўздин.* (СС, 153) // *Масъуд саргузаштини фош, Ул дер эрди-ю шаҳ тўкар эди ёш.* (СС, 237)

Алишер Навоий “Сабъаи сайёр”да феъл лексик-фразеологик синонимлардан ҳам унумли фойдаланган. Синонимик қатор таркибидаги *ики кўзидин ики руд оқизмоқ* ибораси таркибидаги *руд (ф. тож.) дарё* маъносини билдиради: *Оқизиб ики кўзидин ики руд, Отаси бирла айлади падруд.* (СС, 181) Шунингдек, *ашк* сўзи арабча бўлиб, ёш маъносини ифодалайди. Бу сўз кўчма маънода *йиғламақ* сўзи билан синонимик қаторни ташкил этади: *Ашкидин гўёи берур эди сув, Оҳ ўтидин қурур ғайиб қату.* (СС, 245).

Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғатида *хурсанд, хушвақт, шод, хуррам, хушнуд, масрур, сарафроз* синонимик қаторининг *севинч-қувонч ҳолатида, кайфи чоғ* маъносини ифодалаш таъкидланган бўлиб, *шод* жонли сўзлашувда *хурсанд* сўзига нисбатан жуда кам қўлланилиши; *хуррам, хушнуд* сўзларининг китобий эканлиги кўрсатилган[12:216]. «Сабъаи сайёр»да юқорида келтирилган синонимик қатордаги *хурсанд, шод* сўзлари билан ҳосил қилинган кўшма феъллар фаол қўлланганини кузатамиз: *Шаҳни бу сўзлар андоқ айлади шод, Ки яқин эрди айлагай фарёд.* (СС, 216) // *Бўлди Жайпур кўнгли беҳад шод, Солди Масъуд бирла тарҳи видод.* (СС, 223) // *Хожа маҳваш ҳаримида эди шод, Ким йирақрақтин айладим фарёд.* (СС, 295) *Кўнглин ул моя бирла хуш қилди, Судини шарга пешкаш қилди.* (СС, 216) // *Борчадин чун кўнгулни шод этти, Ёрлар бирла “хайрбод” этти.* (СС, 169) // *Бу хаёли била бўлуб хурсанд, Саъд аёқиға солди маҳкам банд.* (СС, 199)

Шунингдек, дoston тилида *шодмон(а)* бўлмоқ феъли ҳам қўлланган: *Асру кўп шодмона бўлдилар, Тахт сари равона бўлдилар.* (СС, 317) // *Бўлубон шодмон деди: “Шод ўл, Бизни обод қилдинг, обод ўл”.* (СС, 196)

*Хурсанд бўлмоқ - шод бўлмоқ - шодмон бўлмоқ - хуш қилмоқ* синонимик қатори таркибидаги *хурсанд, шод, шодмон, хуш* лексик бирликлари форс-тожикча сўзлардир.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, Алишер Навоий ўз назмий асарларида феъл синонимлардан самарали фойдаланган ва гўзал поэтик лавҳалар ярата олган ижодкордир.



## References:

1. Кучкартаев И. Семантика глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ): Автореф. дисс. ...д-ра филол. наук. - Ташкент, 1978.
2. Муҳамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри дис. ... автореф. - Тошкент, 2007.
3. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Морфология) - Тошкент: Янги аср авлоди. 2001.- Б. 60.
4. Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг маъно тузилиши. - Тошкент, 2005.
5. Содиқова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (семантик аспектда): Филол фан. д-ри дисс. ... автореф. - Тошкент, 1991.
6. Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. - Тошкент: Ўқитувчи. 1982. -Б.75.
7. Халиков К. Глаголы движения в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. - Самарканд, 1967.
8. Шабанов Д. Турк ва ўзбек тилларида фаол ҳаракат феълларининг семантикаси: Филол. фан. ном. дисс. ...автореф. - Тошкент, 2003.
9. Ўзбек тилининг изоқли луғати. Биринчи жилд. Тузатилган 2-нашри. - Т.: "Ўзбекистон нашриёти". - 2020.
10. Ўзбек тилининг изоқли луғати. Учинчи жилд. - Т.: "Ўзбекистон нашриёти". - 2020.
11. Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. - Тошкент: Фан, 1993.
12. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоқли луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1974.